

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

# 375 Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил  
15 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1834-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 3 майдаги 11/5-сон қарори (рўйхат рақами 1834, 2008 йил 11 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 28-сон, 276-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 29 июнь,  
13/9-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.*

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил  
29 июндаги 13/9-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия  
ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш  
тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган  
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 33-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33. Банкларда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар билан боғлиқ тўлов ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 2465, 2013 йил 3 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 23-сон, 309-модда) ҳамда нақд пул билан боғлиқ операциялар бўйича тўлов ҳужжатлари Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқномада (рўйхат рақами 1831, 2008 йил 27 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 26-27-сон, 258-модда) назарда тутилган шаклларга асосан тўлиқ ва тўғри тўлдирилиб, расмийлаштирилиши шарт.»

2. 122-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«122. Шахсий ҳисобварақларда амалга ошириладиган операцияларда фойдаланиладиган тўлов ҳужжатларининг тури мазкур Йўриқноманинг 8-иловасида назарда тутилган шартли рақам белгиларга (шифрлар) мувофиқ аниқланади.»

3. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимчанинг иловасига мувофиқ шаклдаги 8-илова билан тўлдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва  
бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тарти-  
би тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган  
ўзгартиришлар ва қўшимчага  
ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси  
банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва  
бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тарти-  
би тўғрисидаги йўриқномага  
8-ИЛОВА

**Шахсий ҳисобварақлар орқали амалга оширилган  
операцияларда фойдаланиладиган тўлов ҳужжатларининг  
турини кўрсатувчи шартли рақам  
БЕЛГИЛАРИ (ШИФРЛАР)**

<b>Шартли рақам белгилари (шифрлар)</b>	<b>Шартли рақам белгилари (шифрлар) номи</b>
01	Тўлов топшириқномаси
02	Тўлов талабномаси
03	Касса ҳужжатлари
05	Аккредитив учун ариза
06	Мемориал ордер
08	Хатоликларни тузатувчи мемориал ордер
11	Инкассо топшириқномаси
14	Тижорат банкларнинг ҳисоб-китоб чеки

».